

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ
ДОИРАСИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР
АЖРАТИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 21 б.

Тузувчи: Э. Шайдулин

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| КИРИШ | 4 |
| ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ | 5 |
| Оилавий тадбиркорлик | 6 |
| Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш тартиби | 7 |
| Дастурлар доирасида кредитлар қандай ҳолларда ажратилмайди? | 9 |
| Ягона электрон платформа орқали аризаларни кўриб чиқиш | 11 |
| Скоринг баҳолаш | 13 |
| Ҳоким ёрдамчиси вазифалари | 15 |
| Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш | 18 |
| АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР | 23 |

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инвестициялар жалб қилиш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳалаларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда жамиятда маҳаллаларнинг ролини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Оилавий тадбиркорлик бизнеснинг энг қулай шакли. Чунки бу бизнес орқали бутун оила аъзолари иш билан банд бўлиб, рўзғорига даромад келтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Бу бизнеснинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, оиладаги тўкинлик ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ҳам мустаҳкамлайди. Меҳнат қилиб даромад топишга ўрганган фарзандлар қалбида эзгу ва гўзал туйғулар уйғонади.

Хусусан, мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳолини ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ва уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратиб келинмоқда.

Энг муҳими, юртимизда тадбиркорлик қилишга бел боғлаган фуқаролар учун барча қулайликлар мавжуд. Ишбилармонларни, айниқса, оилавий тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани нафақат оила даромади ошиши ва иш ўрнига эга бўлишини таъминлайди, балки мамлакат иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Зотан, тадбиркори кўп юртнинг тараққиёти юксак бўлади.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ СОҶАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик
тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил
2 апрелдаги “Оилавий тадбиркорликни
ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг
бизнес ташаббусларини молиялаштиришни
такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги ПҚ-149-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил
21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги
ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини
ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни
таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги
ПФ-209-сон Фармони



Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 апрелдаги
Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари
доирасида кредитлар ажратишни такомиллаштириш
ҳамда аҳолининг доимий даромад манбаларини
кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги 161-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги
“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш
дастурларининг ягона электрон платформаси орқали
кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида”ги 373-сон қарори



Оилавий тадбиркорлик

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.



Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг **ихтиёрийлигига** асосланади.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектлари беш нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан болалари ва невараларининг эрини (хотинини), ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг хотинини (эрини) ва болаларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектининг иштирокчиси сифатида жалб этишга ҳақли ҳисобланади.

Хуқуқий асос: “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси

Маълумот учун: Фуқаролик кодексининг 39-моддасига асосан ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.




Меҳнат шартномаси ходим ва иш берувчи ўртасидаги тарафларнинг **ўзаро ҳуқуқлари** ҳамда **мажбуриятларини** белгиловчи келишув бўлиб, унга мувофиқ ходим иш берувчининг манфаатини кўзлаб, ушбу келишувда белгиланган меҳнат вазифасини унинг раҳбарлиги ва назорати остида шахсан бажариш, ички меҳнат қоидаларига риоя этиш мажбуриятини, иш берувчи эса ходимга шартлашилган меҳнат вазифаси бўйича иш бериш, ходимга иш ҳақини ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ва ушбу келишувда назарда тутилган меҳнат шaroитларини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафларидир.

Ҳуқуқий асос: Меҳнат кодексининг 103-моддаси

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш тартиби

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — дастурлар) доирасида тижорат банклари томонидан кредитларни **Ягона электрон платформа** орқали ажратиш йўлга қўйилган.

Қарз олувчи томонидан кредит аризалари **мустақил равишда** ёки **ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги** билан **Ягона электрон платформа орқали** тақдим этилади.



Дастурлар доирасида кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш, ҳунармандчиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадлари учун ажратилади.

Буни билиш лозим.

Дастурлар доирасида аризаларни Ягона электрон платформа орқали белгиланган тартибда кўриб чиқмасдан аҳолига товарларни марказлашган тартибда олиб келиб, олдиндан тарқатиш ва тавсияномалар бериш масаласида ҳоким ёрдамчиларига тазйиқ ўтказиш ман этилади.

Дастурлар доирасида кредитлар қандай ҳолларда ажратилмайди?

Кредитлар ажратилмайдиган ҳолатлар

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачиликни амалга ошириш

умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш

ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мүлкни (мебель, уяли телефон, маиший техника ва бошқалар) сотиб олиш

енгил автотранспорт воситалари (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этувчи кичик мототранспорт воситалари бундан мустасно), жумладан, йўловчи ташувчи автомобиллар сотиб олиш

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат автомобиллари таъминоти

бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш

Ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида дала дўкони, уруғлик, минерал ўғит ва кўчат дўконлари ташкил қилиш ҳамда енгил конструкцияли бино ва иншоотлар қуриш, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишида қурилиши 25 — 30 фоиз якунига етказилмаган бинолар қурилишини якунига етказиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ биноларни таъмирлаш бундан мустасно.

Чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар ажратишда **асосий эътибор** сут йўналишидаги қорамол ҳамда совлиқ қўй ва эчки сотиб олишга қаратилади.

Сотиладиган чорва молларининг ҳар бири бўйича ветеринария хизматининг **ветеринария паспорти** бўлиши шарт.



Чорвачиликни ривожлантириш йўналишидаги кредитлар четдан келтирилган ёки маҳаллийлаштирилган (*наслчилик хўжаликларида етиштирилган*) ва ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (*биркалаш усули*) чорва молларини (*қорамол, қўй, эчки*) боқиш учун ўзини ўзи банд қилган шахсларга ажратилади.

Бунда, кредитлар томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экиш учун бериладиган кредитлар бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчисининг ушбу тадбирлар амалга оширилиши борасидаги кафиллиги асосида нақд пулда берилиши мумкин.

Иссиқхоналарни ташкил этиш йўналишида кредит ажратишда устуворлик ҳудудлардаги ўзлаштирилмаган **адир ерлардан** фойдаланилаётган лойиҳаларга берилади.

Ички туризмни ривожлантириш йўналишида кредит ажратишда устуворлик **оилавий меҳмон уйлар, хостеллар ва экоуйлар мажмуасини** ташкил этиш ва уларни таъмирлаш бўйича лойиҳаларга берилади.

Ички туризмни ривожлантириш йўналишида айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар 18 ой муддатгача ажратилади.

Ягона электрон платформа орқали аризаларни кўриб чиқиш

Дастурлар доирасида кредит аризалари қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги билан Ягона электрон платформа орқали тақдим этилади.

Кредит ажратиш тўғрисидаги аризалар барча босқичларда Ягона электрон платформада онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида платформа орқали (телеграм бот, СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) маълумот бериб борилади.

Қарз олувчи ариза билан биргаликда кредитдан самарали фойдаланиш бўйича ўзининг дастлабки ҳисоб-китобларини электрон кўринишда Ягона электрон платформа орқали тақдим этади.

Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига 33 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредит ажратилишида ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси асос ҳисобланади. Бунда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

Бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда

заруратга қараб гуруҳ кафиллиги (*камида 3 нафар фуқаро*) билан қўшимча **50 млн сўмгача** револьвер асосида кредит ажратилади.

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари асосида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонунчилик ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари инobatга олинган ҳолда, **300 млн сўмгача имтиёзли кредит** ажратилади.

Маълумот учун: *Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарорига асосан ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажига ҳисобга олинмиши ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслардир.*

Қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари Ягона электрон платформа орқали бизнес-режа ва қонунчиликда белгиланган тартибда гаров таъминоти тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишда тақдим этади.



«Томорқа хизмати» МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун ажратиладиган гаровсиз кредитлар **3 йилгача** муддатга паррандачилик (тухум йўналиши) ва бир ойлик озиқа учун йўналтирилиши мумкин. Бунда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари «Томорқа хизмати» МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

Мазкур гаровсиз кредитларнинг қайтарилмаслик хавфи ташаббускор ҳисобидан кредит олишдан олдин суғурталанади, ташаббускор томонидан кредит эвазига олинган асосий воситаларга тижорат банки томонидан тақиқ қўйилади.

Буни билиш лозим.

«Темир дафтар», «Аёллар» дафтари, «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларнинг кредит олиш юзасидан аризалари алоҳида навбат асосида кўриб чиқилади.

Дастурлар доирасида фуқароларга ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланилиши ва ўз вақтида сўндирилиши юзасидан маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва тижорат банклари билан биргаликда **доимий мониторинг ва назорат** тизимини ўрнатади.

Скоринг баҳолаш

Ягона электрон платформа орқали аризалар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра **1 кун муддатда** автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.



Қандай ҳолларда аризалар рад этилади?

Ариза скоринг маълумотлари асосида автоматик равишда рад этиладиган ҳолатлар

қарз олувчининг Ягона электрон платформада кўриб чиқиш жараёнида аризаси мавжуд бўлганда

18 ёшга тўлмаган фуқаро номидан ариза берилганда

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз фуқаро номидан ариза берилганда

қарз олувчининг дастур доирасида тўлиқ қайтарилмаган кредити мавжуд бўлганда (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган кредитлар бундан мустасно)

қарз олувчининг банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда

аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилганда

салбий кредит тарихига эга бўлганда

қарз олувчининг солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда

✓ Скоринг натижасига кўра қарз олувчининг **ижобий баҳоланган аризаси** кўриб чиқиш учун **ҳоким ёрдамчисига** келиб тушади.

Ҳоким ёрдамчиси вазифалари

Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, унинг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти ҳамда етарли кўникмаси мавжудлигини ўрганиб, ўрганиш натижаси бўйича фотоҳисобот ва қарз олувчининг харитадаги жойлашувини илова қилган ҳолда кредит ажратиш учун тавсиянома ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосани беш иш куни мобайнида Ягона электрон платформага жойлаштиради.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан кредит ажратиш учун тавсияномалар устувор равишда, кредитлардан аввал фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига берилади.

Ҳоким ёрдамчиси тавсиянома беришдан аввал амалга оширилаётган лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва мавсумийлигини инобатга олган ҳолда «Ҳунарманд» уюшмаси, Бандликка кўмаклашиш ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда соҳага масъул уюшма ва ташкилотларнинг хулосаларини олиш, улар орқали тегишли қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Ҳоким ёрдамчисининг Ягона электрон платформа орқали юборган сўровига тегишли ташкилотлар томонидан уч иш куни мобайнида жавоб берилиши лозим.


Кредит ажратиш тўғрисидаги ариза бўйича тавсиянома бериш учун ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли ташкилотларнинг хулосасини олиш зарур бўлганда, қарор қабул қилиш тегишли муддатга узайтирилади.

Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг лойиҳасини ўрганиш жараёнида лойиҳани амалга ошириш имкониятлари ва мавсумийлигидан келиб чиқиб, лойиҳага қарз олувчи билан келишган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ҳудудий фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари тавсияномасига кўра ҳамда ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси томонидан бериладиган тавсияномалар асосида ажратилади.

Тадбиркорлик субъектларининг маҳаллаларда, шу жумладан, ташкил этилган микромарказларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси, ҳунармандчилик ҳамда аҳоли билан кооперация ва касаначиликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалари учун ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида кредит ажратиладиган лойиҳаларда ташаббускор камида ўттиз фоиз улуш билан иштирок этишига эътибор қаратилиши лозим.

Қуйидаги ҳолларда тавсияномалар берилмайди:



Ҳоким ёрдамчиси томонидан кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосада унинг сабаблари кўрсатилиши зарур.

Ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияномаси асосида қарз олувчининг аризаси кўриб чиқиш учун Ягона электрон платформа орқали тижорат банкига тақдим этилади.

Тижорат банкида етарли ресурс маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳоким ёрдамчиси томонидан аризалар аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳамда қўшимча маблағлар ажратилиши ҳисобидан ресурс шакллантирилгунга қадар Ягона электрон платформада электрон навбат асосида юритилади ва бу борада қарз олувчига тегишли маълумотлар бериб борилади.



Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган кредитлар ташаббускорларга лойиҳабай шакллантирилган буюртманомалар асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш манбаларида назарда тутилган маблағлардан ташқари ва навбатсиз расмийлаштириб берилади.

Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига Жамғарма ресурсларини ташаббускорларга тижорат банклари томонидан Ягона электрон платформа орқали расмийлаштириш жараёнларини тўлиқ мувофиқлаштириш ваколати берилади.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш

Ягона электрон платформага гаров таъминоти билан боғлиқ маълумотлар қарз олувчи томонидан электрон шаклда тақдим этилади

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, қарз олувчига кредит ҳисобидан сотиб олинadиган маҳсулот ва хизматларни электрон савдо майдонидан танлаш ҳақида SMS-хабарнома юборилади.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор уч иш кунидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади, ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади.

Қарз олувчи банк томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилган кредит шартномасини 10 кун мобайнида имзоламаса, фуқаронинг кредит олиш тўғрисидаги аризаси рад этилади.

Молиялаштириладиган лойиҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, банкнинг ички кредит сиёсати талабларини инобатга олган ҳолда, қарз олувчидан қўшимча ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин.

Ҳужжатларда хато-камчиликлар аниқланса...

Тижорат банкларига тақдим этилган ҳужжатларда номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда ҳамда зарур гаров таъминотлари тақдим этилмаганда, кредит ажратилиши рад этилади ва бу тўғрисида ҳоким ёрдамчиси ва қарз олувчи Ягона электрон платформа орқали хабардор қилинади.

Қарз олувчи **1 ой ичида** ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этиб, уларни тижорат банкига қайтадан тақдим этиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар қарз олувчи томонидан белгиланган муддат ичида бартараф этилиб, тижорат банкига тақдим қилинганда, ҳужжатларни кўриб чиқиш қарз олувчининг дастлаб тақдим этган аризаси асосида давом эттирилади.

Агар, тижорат банки томонидан кредит ажратиш **рад этилганда**, бу ҳақидаги қарор Ягона электрон платформага жойлаштирилади.

Кредит бўйича фоизлар қарз олувчи томонидан маҳсулот қабул қилиниб, кредит шартномасига асосан ҳақиқатда тўлаб берилган маблағ учун ҳисобланади.

Махсус ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификатни олган шахсларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жиҳозлар ва асбоб ускуналарни сотиб олиш мақсадлари учун 50 млн сўмгача гаровсиз имтиёзли кредитлар ажратилади.

Бунда махсус ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификатни олган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мос

равишда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотлар базасидан автоматик тарзда олинади.

Аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш мақсадида узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган деҳқон хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

Бунда узоқ муддатга ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар деҳқон хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш бўйича аризаларига автоматик тарзда «Е-аукцион» платформаси орқали бириктирилади.

Дастурлар доирасида илгари олинган кредитларидан самарали фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган ва кредит тўловларини ўз вақтида тўлаган кичик тадбиркорлик субъектларига фаолиятини янада кенгайтириш учун мазкур кредитлардан такроран фойдаланишга рухсат этилади.

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра кредит суммасининг 10 млн сўмгача бўлган қисми (ҳўнармандлар учун 20 млн сўмгача) **банк карталарига** ўтказиб берилади.



Бунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит олиш юзасидан платформага ариза қолдириш вақтида кредитни қисман (10 млн сўмгача, «ҳўнармандлар учун 20 млн сўмгача») банк картасига ўтказиб бериш тўғрисида қайд этилади.

Ваколатли тижорат банклари томонидан алоҳида банк картаси очилиб, аризада кўрсатилган маблағлар қарз олувчиларга ўтказиб берилади.

Ҳоким ёрдамчиси мижозларнинг банк картасига ўтказиб берилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилишини таъминлаш мақсадида лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудга бориб, ҳақиқатда маҳсулот олинганлигини доимий равишда ўрганиб боради.

Ажратилган кредитларни ўз муддатида қайтармаган фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига дастурлар доирасида янги кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.



Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида жалб қилинган ҳар бир касаначи учун 2 миллион сўмгача, бироқ жами 300 миллион сўмгача йиллик 18 фоиз ставкада, 6 ойгача

бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга револьвер кредитлар ажратилади.

Мазкур кредитлар тадбиркорлик субъектларининг талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилади.

Аҳолига ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланишга рухсат этилади.

Ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига 50 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун ташаббускорларга 100 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотга тегишли зарур маълумотлар (*мотороллер, мотокультиватор, тикув машиналарининг мотор, двигатель ёки кузов серия рақами*) шартномага киритилмаса, маркетплейс тизимида шартнома расмийлаштириш имконияти автоматик тарзда чекланади.

Буни билиш лозим.

2024 йил 1 январдан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар 3 йилдан 4 йилгача муддатга 6 ойдан 1 йилгача имтиёзли давр билан йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилиши белгилансин.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

| | |
|---------------------------------|--|
| ҳудудий марказлар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик, иқтисодиёт ва молия, инвестициялар, саноат ва савдо, солиқ, оила ва хотин-қизлар, статистика бўлинмалари, ҳудудий Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари |
| туман (шаҳар) марказлари | туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик, иқтисодиёт ва молия, инвестициялар, саноат ва савдо, солиқ, оила ва хотин-қизлар, статистика бўлинмалари, туман Савдо-саноат палатаси бўлими, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлинмаларининг раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари |
| ҳоким ёрдамчиси | ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс |
| қарз олувчи | тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳунармандлар |

| | |
|--------------------------------------|---|
| тавсиянома | <p>ҳоким ёрдамчиси томонидан ўзига бириктирилган маҳаллада қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, дастурлар доирасида кредитлар ҳисобидан ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари, шароитлари ҳамда етарли билим ва тажрибасини пухта ўрганиш орқали кредит ажратиш тўғрисидаги хулоса асосида бериладиган тавсия</p> |
| Ягона электрон платформа | <p>дастурлар доирасидаги кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz)</p> |
| маҳсулот етказиб берувчи | <p>маркетплейс тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, қарз олувчи томонидан танланган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари</p> |
| маркетплейс тизими | <p>Ягона электрон платформада ажратиладиган кредитлар ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилиш ҳамда қарз олувчилар томонидан маҳсулот етказиб берувчиларни мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони</p> |
| Ноҳалол таъминотчилар реестри | <p>маркетплейс тизимидан четлатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати</p> |